УДК: 811.111:378:331.361(631.67)(575.1)

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА КУРСАНТЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Н.Д.Ширинова

Мақола инглиз тили дарсларида курсантларнинг билиш фаоллигини ошириш муаммосига бағишланган. Инглиз тили дарсларида курсантларнинг билиш фаоллигини оширишнинг аҳамияти кўрсатилиб, ушбу соҳага оид етарлича маълумотни ўз ичига олган. Ҳарбий техникага оид машқлар ишлаб чиқилган. Ушбу усул курсантларда инглиз тилидан кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларнинг билиш фаоллигини ошириш орқали равон нутқини таъминлашга хизмат қилади. Билиш фаоллигини оширишга доир ўйин-мусобақалар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: *билиш фаоллигини ошириш, инглиз тили ўқитишда машқларнинг самарадорлиги, ихтисосий ўқитиш, ҳарбий техника.*

В статье освещается проблема повышения познавательной деятельности курсантов на уроках английского языка. Отмечена роль повышения познавательной деятельности на уроках английского языка и разработаны упражнения по военной технике, включающие в себя достаточную информацию о военной сфере. Указанный методический приём способствует формированию навыков, повышению познавательной деятельности, которые обеспечивают овладение навыками свободной речи курсантов. Разработаны игры для повышения познавательной деятельности.

Ключевые слова: *повышение познавательной деятельности, эффективность упражнений в процессе обучения английскому языку, специализированное обучение, военная техника.*

Мамлакатимиз янги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ривожланиш босқичига чиқаётган айни пайтда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, замон талабига жавоб берадиган юксак қобилиятли, юқори малакали ва ижодий фаол бўлган ҳарбий кадрларни тайёрлаш устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Маълумки, жамиятнинг тараққиёти Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган, пухта ўйланган стратегияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг рўёбга чиқиши барча соҳалар бўйича тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг сони билан эмас, балки сифати ва салоҳияти билан белгиланади. Дунё ҳамжамияти билан иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ва ҳарбий соҳаларда ўрнатилаётган алоқалар, дўстона муносабатлар кун тартибига хорижий тилларни мукаммал ўрганиш, ёш авлодни, энг ками, зуллисонайнлик (икки тилда эркин мулоқот қила олиш) руҳида тарбиялаш вазифасини қўйди. Демак, ҳарбий олий таълим муассасалари олдига қўйилган бу улкан вазифани бажариш Ватанимизнинг келажагини белгилашда муҳим масала ҳисобланади.

Мазкур шароитда буюк келажагимизнинг ворислари бўлмиш ёш авлодга, жумладан, ҳарбий йўналишдаги курсантларда инглиз тилидан кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларнинг билиш фаоллигини ошириш орқали равон нутқини таъминлаш, бунинг учун инглиз тили ўқитувчилари малакасини илғор, замонавий педагогик технологиялар асосида ошириш вазифаси янада долзарб кўриниш олади.

Билиш фаоллигини ошириш психологик, дидактик ва методик ҳатто социологик муаммо бўлиб саналади. Ватанимиз ва чет эл педагогикасида билиш фаоллигини ошириш масаласига бағишланган адабиётлар талайгина [1; 2]. Муаммонинг айрим методик хусусиятли адабиётларига Ж.Жалолов, Т.Ладиженская, М.Разумовская, А.Текучев, А.Ғуломов ва бошқа лингводидактлар асарларини мисол келтириш мумкин. Санаб ўтилган методист-олимларнинг ишларида масаланинг айрим томонлари таҳлил қилинган ва билиш фаоллигини ошириш бўйича тавсиялар берилган.

Инглиз тили дарсларида курсантларнинг билиш фаоллигини ошириш таълимнинг метод ва воситаларини тўғри танлай олиш билан боғлиқдир. Методик адабиётларнинг таҳлилига кўра, муайян метод ва воситалар ёрдамида курсантларнинг билиш фаоллиги икки йўл билан оширилади: биринчидан, фанга бўлган қизиқишни кучайтириш; иккинчидан, курсантларнинг мустақиллигини таъминлаш [3].

Методик адабиётларда фанга бўлган қизиқишни ошириш учун жадвал, чизма, расмлар, тарқатма материаллар, аудио ва видео ёзувлар, ўйин-мусобақалардан фойдаланиш тавсия қилинган [4]. Методистларнинг фикрича, юқорида кўрсатилган методик воситалардан фойдаланиш курсантларнинг фанга бўлган қизиқишларини ва билиш фаолликларини оширади; дарс жараёнида ўйин-мусобақалардан фойдаланиш курсантларнинг қувонч билан ишлашлари ва қийинчиликларни баҳузур енгишларига ёрдам беради.

Таълим жараёнида курсантларнинг билиш фаоллигини ошириш, биринчи навбатда, ақлий фаолият

маҳсули – фикрлаш билан боғлиқ. Бу масалада М.Н.Скаткиннинг ҳақли мулоҳазасига қўшиламиз. Билиш фаоллигини ошириш деганда муаллиф, асосан, фикрлаш фаолиятини тушуниш лозимлигини қайд қилади. Фикрлаш эса муайян шарт-шароитларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади [5].

Методист-олимларимиздан Ж.Жалолов билиш фаоллигини оширишда онгли-қиёсий методнинг аҳамияти тўғрисида қуйидаги фикрларни илгари суради: “онглилик тушунчаси тил ўрганишдаги ижодий ташаббускорлик, мустақилликни оширишга бориб тақалади. Қуруқ ёдлаш ёки фақат тўтиқуш янглиғ тақлид йўли билан такрорлаш, қоидаларни нутқдан ажратиб ўзлаштириш каби методик хатолардан қутилиш онглилик сари етаклайди” [4. Б. 74].

Таълимни самарали қилиш ўқитувчи фаолиятининг маҳсули бўлиб, курсантнинг билишга бўлган интилишини кучайтиришга қаратилган амалиёт бўлиб саналади. Кўпгина педагогик адабиётларда агар ўқитувчи материални тушунарли қилиб баён қилса, кўргазмалилик ҳамда таълимнинг замонавий техник воситаларидан фойдаланса, курсантларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, бўш ўзлаштирувчи курсантлар билан алоҳида гуруҳларда иш олиб борса, ўқув жараёни фаоллашиб, таълим самарали бўлади, деган фикр илгари сурилади [1; 6]. Таълимни фаоллаштириш юқорида санаб ўтилган омиллар билан бир қаторда курсантларнинг фикрлаш фаолиятини уюштириш билан ҳам боғлиқ. Фикрлаш бўлмаган ҳолатда фаоллик ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслиги ҳаёт тажрибасида исботланган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, инглиз тили ўқитувчилари ўқитиш метод ва воситаларини танлашда кўп қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, курсантларнинг билиш фаоллигини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим ўқитувчилар бирон-бир усулни доим қўллаб, қолганларини кўздан қочиришади, айримлари эса ҳар бир методдан “бир шингил” олишга ҳаракат қилишади [7].

Ҳарбий олий таълим муассасаларида чет тил ўқитишнинг амалий мақсади ўқиш, яъни ўқиб ахборот олиш экан, берилган матнларни ўқиб, мазмунини чуқур тушуниш ва шу матн юзасидан турли шароитларда фикр алмаша олиш, уларнинг билиш фаоллигини ошириш асосий вазифамиздир. Курсантларнинг билимдонлиги, топқирлиги ва билиш фаоллигини ошириш билан бир қаторда, уларнинг инсоний, ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш ва ривожлантиришга ҳам эришамиз. Матнни пухта ва ҳар томонлама эгаллаш ва шу матн юзасидан эркин фикр юрита олишни таъминлашда мусобақа шаклидаги топшириқларнинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида дидактик ўйинлар тизими яратилиб, ўқитувчилар уни амалда қўллаш методикаси билан тўла қуроллантирилса, бу курсантларнинг ахборот олишга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилади.

Интерактив методларнинг анъанавий методлардан фарқи шундаки, бунда курсантнинг ўзи мустақил ҳолда эркин фикр юритади, ўқитувчи билан ҳамкор сифатида ишлайди. Анъанавий метод эса курсантнинг фактларни эсда сақлаш қобилияти ва унинг ҳажмига асосланади. Ушбу фарқларни қуйидаги жадвалда кузатиш мумкин.

Анъанавий ва замонавий методларнинг фарқли жиҳатлари

	Анъанавий	Замонавий
Ўқув фаолияти	Ўқитувчи фаолиятига асосланган	Интерактив, курсантнинг фаолиятига асосланган
Ўқитувчининг роли	Доим эксперт, фактлар ҳақида ахборот берувчи	Ҳамкор, баъзан курсант
Курсантнинг роли	Пассив тингловчи, доим курсант	Ҳамкор, баъзан эксперт
Ўқитиш жараёнида алоҳида эътибор бериладиган омиллар	Фактлар, хотирада сақлаш қобилияти	Мулоҳаза, изланиш, янгилик яратиш
Билим тушунчаси	Фактлар йиғиндиси	Фактлар трансформацияси
Баҳолаш	Нормага асосланган	Кўргазмалиликка асосланган
Технологиялар	Пассив ҳолда етказиш	Фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган актив вазият
Муваффақиятларнинг кўриниши	Миқдори	Тушунганлик сифати

Замонавий технологиялар курсантларнинг мустақил фикрлаши ва нутқ юритишига асосланганлигига амин бўлдик. Маълум бўлишича, замонавий технологиялар асосида ўқитиладиган Буюк Британия университетларида талабалар дарс мақсади ва вазифаларини ўзлари белгилашади ва ўзлари танлаган мавзу бўйича баҳслашиб, хулосалар чиқаришади [8]. Кўринадики, дарс жараёнида талабалар ташкилотчи, яъни лидер вазифасини бажаришмоқда. Шундай қилиб, курсантларнинг мустақиллигини таъминлаш уларнинг тилни пухта эгаллаши ва эркин нутқ юрита олиши билан белгиланади. Буни қуйидаги кўрсаткичлар орқали изоҳлаш мумкин.

ЎЗЛАШТИРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

10%  ўқиганда

20%  тинглаганда

30%  кўрганда

50%  +  кўрганда ва тинглаганда

70%  бир-бири билан муҳокама қилганда

80%  ҳаётга боғлиқ бўлганда

95%  бошқаларни ўқитганда

Замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш қуйидаги изчилликни талаб қилади.

1. Курсантларнинг ўзлари дарс жараёнини режалаштиради.

2. Курсантларнинг ўзлари белгилаган ўқув режаси асосида шуғулланишади.

3. Курсантлар муҳокамалар ўтказишади.

4. Чет тил ўқитиш мақсадларининг рўёбга чиқишида курсантлар ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишади.

5. Ўқитиш методларини танлашда курсантлар ҳам ҳамкор сифатида иштирок этишади.

6. Ўқув материали муҳокамасида курсантлар бир-бирларига ёрдам беришади.

7. Курсантлар эгаллаган билимларини бошқаларга ҳам етказа олиш малакаси билан таъминланади [8].

Буларнинг ҳаммасини бирданига амалга татбиқ этиб бўлмайди, албатта. Бунга аста-секин, босқичма-босқич курсантларга нутқий фаолиятни ўргатиш жараёнида эришиш мумкин. Ушбу ғоялар Буюк Британия ва бошқа кўпгина хорижий мамлакатлар педагогикасида ўз аксини топган.

Таълимни юқори даражада самарали ташкил этиш учун мақсад, вазифаларни аниқ белгилаш, таълим натижасини олдиндан қайд этиш, ўқув предметларини тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун зарур таълим воситалари, шарт-шароитларини тайёрлаш зарур. Бу маънода таълим технологияси олдиндан қайд этилган, аниқ, кафолатланган натижага эришиш учун зарурий тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнини унга риоя қилиб ташкил этишни англатади [9].

Курсантларнинг билиш фаоллигини оширишда замонавий педагогик технологиялардан бири бўлган ўйин-мусобақаларнинг ўрни каттадир. Мусобақалар курсантларнинг фикрлаши ва нутқ фаолияти юритишига мўлжалланган бўлиб, улар қуйидаги имкониятларни яратади:

- курсантларнинг тилга бўлган қизиқишини оширади;

- курсантларнинг хотирасини мустаҳкамлайди;

- курсантларнинг эгаллаган билимлари асосида малака ҳосил қилишларига хизмат қилади;


- ўзлаштирилган билимларни амалга татбиқ этишда муҳим ўрин тутади;

- сўзлар ассоциациясини англашда ёрдам беради.

Ўйин-топшириқлар, айниқса, курсантлар нутқида учрайдиган айрим хатоликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, ўйин-топшириқлар курсантларни зерикишдан сақлайди ва уларнинг мустақил тарзда ақлий фаолият кўрсатишларини таъминлайди. Ўйин-топшириқлар курсантларни фикрлашга ва изланишга ундайди. Шунинг учун ҳам уларга таълим методи сифатида қараш мақсадга мувофиқдир, чунки ўйин-топшириқлар ҳам курсантларга билим бериш вазифасини бажаради [10].

Инглиз тили дарсларида ўқитувчи ўйин-топшириқлардан курсантларнинг сўз бойлигини ошириш, уларнинг грамматик ва талаффуз кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, нутқ фаолияти турлари, яъни ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш ва ёзув кўникмаларини ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади [11].


Ана шундай ўйин-топшириқларни дарснинг ҳар бир босқичида тўғри қўллай олиш ҳам ўқитувчининг вазифасидир. Масалан, ҳарбий олий таълим муассасасидаги курсантлар матнни ўқиб мазмунини идрок этишда ва у юзасидан фикр баён этишда танишиш, машқ қилиш ва қўллаш босқичларидан ўтишади. Ана шу босқичлардан муваффақиятли ўтиш ўқитувчидан зўр маҳорат талаб қилади [10]. Янги мавзу ўтишдан олдин гуруҳни 3 кичик гуруҳга бўлган ҳолда дарс ташкил қилинади. Дарс жараёнида бажариладиган барча топшириқлар мусобақа шаклида олиб борилиб, доскада баҳоланиб борилади. Буни “Military technology” матнида кўриб чиқамиз [12]. Аввал танишиш босқичидан ўтиш лозим, чунки танишиш ўқув материалини ўрганишдаги биринчи қадамдир. Матннинг мазмуни нимадан ва қандай янги сўзлардан иборат эканлигини аниқлаш мақсадида “Кластер” стратегиясидан фойдалансак бўлади. У қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин.



Ушбу сўзлар билан танишгандан сўнг курсантлар уларни расмлар билан мослаштира бошлайди.

Label the pictures. Use these words.

Plane helicopter tank truck submarine frigate



Курсантлар сўзларнинг мазмунини англагандан кейин уларни тасниф қила бошлайди.

Put the words in groups.

vehicles	Aircraft	naval ships

Танишиш босқичи амалга оширилгандан сўнг кичик гуруҳлар баҳоланади ва кейинги босқич, яъни машқ қилиш ёки англаш босқичига ўтилади. Мавзу юзасидан кўникма ҳосил қилиш мақсадида машқ қилиш босқичига ўтилади. Унда қуйидаги машқлардан фойдаланиш мумкин.

Look at the groups of wordsbelow. In each group, three wordsbelong to the same subject area but there is one word that doesn`tbelong. Put a circle around the word that is the oddone out.Don`t circle more than one answer for each sentence. There is an example at the beginning.

Ainstitute B plane C frigate D tank

A tank B jeep C helicopter D truck

A tank B submarine C helicopter D bus

A submarine B frigate Cplane Dnavalships

A tank B jeep C vehicles D truck

Ahelicopter B aircraft C plane D jeep

Сўзлар таснифланганидан сўнг уларни инглиз тилида изоҳлаш амаллари бажарилади.

Match these defined words with the definition given below.

Helicopter Plane Truck Submarine Frigate Jeep Tank

A_____a small, fast military ship

B_____a vehicle designed for air travel, with wings and one or more engines

C_____a large military fighting vehicle designed to protect those inside it from attack

D_____a type of aircraft without wings that has one or two sets of large blades that go round very fast on top.

E_____a small strong vehicle used for travelling over rough ground, especially by the army

F_____ a ship that can travel under water

G_____a large road vehicle that is used for transporting large amounts of goods



Ушбу топшириқ курсантларнинг фикрлаш қобилиятини кенгайтиради, топқирлигини оширади, айниқса, таққослаш, таҳлил, синтез, умумлаштириш каби фикрлаш операцияларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Курсантлар сўзларни ўзлаштиргандан сўнг улар олдин ўзлаштирган грамматик кўникма асосида гап туза бошлайди.

Write sentences about the C 130 Hercules transport aircraft.

1. The C 130 I transport 92 soldiers. *The C 130 can transport 92 soldiers.*
2. It I fly 2,049 nautical miles.
3. It I fly at 374 mph (602 km/h).
4. It I transport small vehicles, but it I transport [12].

Машқ қилиш йўли билан матн мустаҳкамланади, сўзларга оид динамик стереотип шаклланади. Динамик стереотип нутқ жараёнида операция мақомида ишга тушади. Ушбу босқич якунида ҳам ҳар бир топшириқ баҳоланганини инобатга олиб гуруҳларга баллар қўйилади.

Амалий мулоқот мақсадида қўллаш ёки фикрлаш учинчи босқич ҳисобланади. Қўллаш даврида ахборот алмашиш (яъни малака ҳосил қилиш)

машқлари бажарилади. Бунда матнни муҳокама қилиш ва матн юзасидан фикр алмашиш операцияси бажарилади.

Масалан:

Work in pairs, A and B. You are going to do a roleplay.

Roleplay

A: You are a military officer of MTINGRU. Decide what you want to ask for. Ask about differences of Military technology of the USA and Uzbekistan.

B: You are a military officer of Aimed Forces Academy of Uzbekistan.Answer the question and ask about similarities.

Курсантларнинг эркин нутқ юрита олиши қўллаш босқичида намоён бўлади. Малакалар ҳосил қилишнинг ҳал қилувчи босқичи қўллаш ҳисобланади. Курсантларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда қўллаш методи қўл келади. Ўрганилган материал энди ахборот етказиш/олиш мақсадига бўйсундирилади. Ёки “Describe a military technology of your institute” мавзусидаги топшириқни бажариш жараёнида курсантлар навбатма-навбат янги сўзлардан фойдаланиб, гап тузишади, яъни институтдаги ҳарбий техникани тасвирлашади. Ана шундай тарзда ўйин давом эттирилади. Энг кўп гап тузган гуруҳ ғолиб саналади. Ушбу босқич якунида гуруҳларнинг фаолияти бўйича муҳокама ўтказилиб, ҳар бир гуруҳни баҳолаш ва ғолиб гуруҳни рағбатлантириш амаллари бажарилади.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тили дарсларида курсантларнинг нутқий кўникма ва малакаларини шакллантирувчи восита ва усуллар ишлаб чиқилса, уларнинг мустақил изланишлари уюштирилса, аниқ тушунча ва тасаввурларини ўстиришда ёрдам берадиган самарали усуллар ишлаб чиқилсагина уларнинг билиш фаоллигини оширишга эришиш мумкин. Энг асосийси, ўзлаштириладиган материал уларнинг касбий фаолиятига бевосита дахлдор бўлса, курсантлар уни зўр қизиқиш билан эгаллай бошлашади. Дарс жараёнини самарали қилиш ўқитувчи фаолиятига боғлиқ бўлиб, курсантнинг билишга бўлган интилишини кучайтиришга қаратилган амалиёт саналади.

Адабиётлар

1. *Lee W.R*. English Teaching Forum. A Quarterly Journal for English Teachers. 2004. – Pp. 15 – 20.

2. *McGroarty E.M.* Language and Ideology. In: N.H. Hornberger and S.L.McKay. Sociolinguistics and Language Education.–UK.: Multilingual Matter. 2010. – Pp. 3 – 39.

3. *Janks H*. Language, Power and Pedagogies. In: N.H.Hornberger and S.L.McKay Sociolinguistics and Language Education. – UK.: Multilingual Matter. 2010. – Pp. 40 – 61.

4. *Jalolov J.J*. Chet til o`qitish metodikasi.– Тошкент: O`qituvchi, 2012. – 429 b.

5. *Скаткин М.Н.* Активизация познавательной деятельности учащихся // Народное образование. 1966. − № 1.− **С**.1–11.

6. *Kasper G. & Omori M.* Language and Culture. In: N.H. Hornberger and S.L. McKay. Sociolinguistics and Language Education. – UK.: Multilingual Matter. 2010. – Pp. 455 – 491.

7. Кадирова Ф.Х. New approaches and modern methods of teaching foreign language pronunciation // Молодой учёный. 2016. – № 25. – Pp.18 – 22.

8. *Фарберман Б.Л.* Передовые педагогические технологии. – Тошкент: Фан, 2000. – 129 с.

9. Иванова С.В., Малова А.В. Новые педагогические технологии в обучении иностранным языкам //Современные методы и технологии преподавания иностранных языков. Сборник научных статьей. Россия, Чувашский государственный педагогический университет имени И.Я. Яковлева, 2019.− С. 38 – 42.

10. Закотнова *П.В.* Использование игр при обучении иностранному языку в вузе // Современные методы и технологии преподавания иностранных языков. Сборник научных статьей. Россия: Чувашский государственный педагогический университет имени И.Я. Яковлева, 2019.− С.88 – 92.

11.Vernon S. The benefits of using Games. 2009, Retrieved June 20, http://www.englishgames.com

12. *Simon Mellor Clark, Yvonne Baker de Altamirano*. Campaign.English for Military. Student`sbook (1). Macmillan, 2008.– 342 p.

DEVELOPING COGNITIVE ACTIVITY OF CADETS AT THE ENGLISH LESSONS

N.D.Shirinova[1]

Ilmiy xabarnoma. *Seriya.* Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Researches. 2020. 2(46). 108 – 113.

[1]Military-technical Institute of National Guard of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, 100109,str. Charsukurgoni, Zangiota district, Tashkent region (Uzbekistan).E-mail: mghti@umail.uz

Keywords: *development of cognitive activity, effectiveness of the exercises in teaching English, specialized teaching, military technology.*

Disorganization of educational activity skills generates decrease in the efficiency of learning process and as a consequence, success of teaching that brings to motivation loss in educational cognitive activity.

Developing cognitive activity of cadets during the teaching process is one of the most important problems of English teacher. Motivation is a main key to solve this problem. The question on motivation at an initial step of learning has special importance as fundamentals to make cadets have desire and skills to study. The motive is a source of activity and carries out the function of prompting and sensibility.

The teaching result can be reflected on the ability to understand, speak, read and write in English. Developing cognitive activity cadets can comprehend the reading materials about speciality, catch other talking, give response, speak fluently and write some kinds of special topics. If the learners do not have information about the military system, they will not be able to communicate with others about it, express their ideas on the topics which are connected with their speciality. Not only teaching materials but teaching methods are the main factors of the effectiveness.

Cadets must be able to understand English well, and must be able to take notes easily on facts and ideas. The better their listening comprehension and speaking skills are in English, the more receptive they will be to opportunities to learn and socialize.

Organization of the English teaching process is the most important problem. Using of teaching methods in an appropriate way plays an important role in the teaching process. So, English teachers should be careful while choosing teaching technologies.

Three stages (methods) of teaching process should be included in every lesson: In the first stage the *presentation* of the new material is done by teachers. In this stage teachers can use different methods of presentation. Presentation of the new material should be interesting, simple and appropriate to the cadets` abilities. *Practice* can help cadets to form their skills. Cadets do some exercises to practice their knowledge. Usage of material is the last and the most creative stage of the process. To organize this teaching process effectively depends on methods which must be used during the lessons. All the methods should be based on creative thinking. Mostly, the cognitive activity of cadets can reflect in this stage. In the article the given exercises are directed to the military technology which includes much information about this sphere.

In conclusion, developing cognitive activity of cadets is closely connected with teaching methods. Chosen methods should be interesting and effective. Given methods can serve development of cognitive activity of cadets.

References

1. Lee, W. (2004) English Teaching Forum. *A Quarterly Journal for English Teachers.* US. Pp. 15-20.

2. McGroarty, E. (2010) Language and Ideology.In: N.H. Hornberger and S.L.McKay. *Sociolinguistics and Language Education.* Multilingual Matter: UK. Pp. 3-39.

3. Janks, H. (2010) Language, Power and Pedagogies. In: N.H. Hornberger and S.L.McKay Sociolinguistics and Language Education. Multilingual Matter: UK. Pp. 40-61.

4. Jalolov, J. (2012) *Chet til o`qitish metodikasi* [Methodology of teaching foreign languages].Tashkent: O`qituvchi.

5. Skatkin, M.(1966) Aktivizhaciya poznovatel'noj deyatel'nosti uchashchihsya [Developing cognitive activity of learners]. *Narodnoe obrazhovanie*. No 1. Pp. 1-11.

6. Kasper, G. & Omori, M. (2010) Language and Culture. In: N.H.Hornberger and S.L.McKay. *Sociolinguistics and Language Education.* Multilingual Matter: UK. Pp. 455-491.

7. Kadirova, F.(2016) New approaches and modern methods of teaching foreign language pronunciation. *Molodoy ucheniy*. No 25. Pp.18-22.

8. Farberman,B. (2000) *Peredovye pedagogicheskie texnologii* [Modern pedagogical technologies].Tashkent: Fan.

9. Ivanova, S.V., Malova, A.V. (2019) *Noviye pedagogicheskiye texnologii v obuchenii inostrannym yazykam* [Modern pedagogical technologies in teaching foreign languages]. *Sovremenniye metodi i texnologii prepodavaniya inostrannyh yazykov* [Modern pedagogical methods and technologies in teaching foreign languages]. Collection of scientific articles. Cheboksari: Chuvash State Pedagogical University. Pp.38-42.

10. Zakotnova, P. (2019) Ispolzhovaniye igr pri obuchenii innostrannomu yazyku v vuzhe [Using games in teaching foreign languages in higher education]. *Sovremenniye metodi i texnologii prepodavaniya inostrannyh yazykov* [Modern pedagogical methods and technologies in teaching foreign languages]. Collection of scientific articles. Cheboksari: Chuvash State Pedagogical University. Pp. 88- 92.

11.Vernon, S. (2009) The benefits of using Games. Retrieved June 20. http://www.englishgames.com

12. Simon, M., Yvonne, B.(2008) *Campaign. English for Military. Student`sbook* (1). London: Macmillan.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Ширинова Наргиза Джабаровна – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия ҳарбий-техник институти Хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди, доцент.e-mail: nargizashirinova77@gmail.com